


НД 25786
091

НД 25786
091

ТҮРАҚУЛ
ХҲЖАҚУЛОВ

ОЛИСДАН
КЕЛАР САДО



00 - 3220

ТУРАҒУЛ ХУЖАҒУЛОВ

ОЛИСДАН КЕЛАР САДО

Шеърлар ва ғазаллар

ТОШКЕНТ
«ЕЗУВЧИ» НАШРИЕТИ

Ўз2
X--88

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН
НАЗДИН
КЕТАР САДО

ЎЗБЕКИСТОН

Хўжақулов, Тўрақул.

Олисан келар садо: Шеърлар ва ғазаллар / (Сўз боши: И. Отамурод). — Т.: «Езувчи» 2000.—48 б:

Азиз китобхон, Сизга тақдим этилаётган Тўрақул Хўжақуловнинг ушбу тўпламида шоирнинг ўз туғилиб ўсган юртига меҳри, миннатдорлик туйғулари, ёру дўстларига муҳаббат шەърий сатрлар-ла ўзига хос талқин этилади.

Ўз2

25786


Ю

091

X 470262020-05 — қатъий буюртма, 2000 й.
M 362(04)—2000

ISBN 5-8255-0655-1

© Тўрақул Хўжақулов,
«Езувчи» нашриёти, 2000 й.



СУЗ БОШИ

Кўпни кўрган одам.. Эл орасида шундай ибора бор. Унинг замирига дунёнинг келим-кетими ҳақидаги ўйлар, ҳаёт борасидаги мушоҳадалар, ён атрофда кечаётган содирликлар тўғрисидаги кузатувлар, одамлар орасида намоён бўлгучи муносабатлар сирасидаги хулосалар сингиб кетган. Тўрақул аканинг битикларини ўқир чоғимда, нимагадир хаёлимдан бот-бот шу фикр ўтди. Бунинг маънисини кейин чақдим. Тўрақул ака кўпни кўрган одам экан. Битиклари эса, айнан шундай сифат маҳсули, яъни, кўпни кўрган одамнинг ўйлари, мушоҳадалари, кузатувлари, хулосалари.. Мазкур жиҳатлар ижодкор ижодида табиий ва самимий йўсин топади. Табиий ва самимий йўсин бағрида кўнгилнинг йўриқлари, ҳодисалари, туйғулари, фикрга айланади. Шоир қалби олисдан келар садога интиқ. Бул садонинг товушларидан қувват олади. Ўзида руҳ пайдо қилади. Тўрақул ака битикларининг фазилати ҳамда ибрати шунда бўлса керак деб ўйлайман.

Икром Отамурод

Ушбу тўпламни Муборакгаз-
ни қайта ишлаш заводининг
30 йиллигига бағишлайман.

Муаллиф

Шеърлар

УЙҒОНАР БАҲОР

Нечун мунча шошиб ёғар қор,
Бутун борлиқ сокин ва сархуш?
Парқу либосларга кўмилган замин,
Ором олар бедард, бетаҷвиш.

Хув баланддан сирғанган бола
Юрагида қувонч бир дунё.
Четда юрак ҳовучлаб турган
Она қалби учади гўё.

Паға-паға оппоқ зарралар,
Шохдан-шохга қўнган капалак.
Уз дардини айтолмай аста
Ёзиб кетар заминга эртак.

Яна кимдир юрак розини,
Зарраларга қилади изҳор.
Деразадан нарида оппоқ,
Тушлар кўриб уйғонар баҳор.

ҚАШҚАДАРЁ

Икки дарё оралиғи қадим мамлакат,
Бу ўлкада Қашқадарё ажиб бир зийнат.

Ўтмишингни мен ўйласам, эй она юртим,
Кўринади кўзларимга бағри хун мардум.

Келгиндилар сенда даврон суриб ўтдилар,
Элу юртни пароканда қилиб кетдилар.

Гулгун ёнар адирларинг бўлиб нафармон,
Аждодларнинг юрагида бир дунё армон.

Пешонангни силай дея даъво қилган қўл,
Қисматингга кишан бўлиб осилмиш нуқул.

Бу ўлкада собит эди эътиқод фақат,
Юртга қайтмиш азалий урф, иймон, диёнат.

Мадад сенга хулқ-одатинг, йўлинг бўлсин оқ,
Пиру устод, аждодларинг руҳи шамчироқ.

Дастурхонда тўла нонинг, сафларинг дуркун,
Йигитларинг бўла олар осмонга устун.

Журъатингдан еру осмон яна гулистон,
Томирларда қувват бўлиб оқар Нуристон.

Оқсаройнинг пештоқидан ҳазрат Темурбек,
Келажагинг, тарихингни ёритар нурдек.

Эзгу ният амри вожиб, камолга етдинг,
Элу юртни саодатга муяссар этдинг.

ШОИРНИНГ ИЗЛАГАНИ

Ҳаёт мунча тотли ва тиниқ,
Олтмиш ёшда йигит қисмати,
Ҳар кимнинг ҳам дилида илиқ,
Тўзалликнинг бордир хислати.

Келар-кетар ўткинчи ҳислар,
У қолади фақат ягона,
Атроф тўла ўғил ва қизлар,
Неваралар бўлиб парвона.

Адашганим бордир, оҳуга
Кўнгил бериб юрганам замон.
Турли кўча-кўйларга солиб
Олиб қочиб юргандир шайтон.

Қанча гулу раънолар яшар,
Қалб тубида не сир-синоат.
Шоир кўнгли ғариб ва сағир,
Чин дилдошин қидирар фақат.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЙЎЛИ...

Ҳар кимнинг ўз йўли, йўриғи бордир,
Яшайди ҳар одам тақдири азал.
Қимдир бир капалак умрига зордир,
Қимга қўш дунёни қўшиб берсанг кам.

Йўлимда кимнингдир кўзлари бедор,
Чўзилиб кўланкам кўчгани қадар.
Қимдир юрагимни нишонга олар,
Ул амал тобини тополса агар.

Мени адо бўлди дея айтмоқлик,
Беписанд зотларга оддий бир касб.
Ярим ой ёруғдур, ярмиси доғлик,
Келмагай дунёга ҳеч зот бенасиб.

Не итлар ҳурмади, уввослар солиб,
Қарвон ўтаберди беписанд, бедард,
Сенга сиғинаман, бардошим толиб,
Илинжим сендадир, тақдир, бер мадад.

БУЗРАВОТИМАН

Ал-Муқон сафинда сипоҳларим бор,
Кўнглумда ўчмаган жафоларим бор.
Заҳматлардан топган сафоларим бор,
Мен ўшал заҳматкаш Бўзравотиман.

Тарихим туташур узоқ йилларга,
Қисматлар боғланган нозик қилларга,
Ёсуман тўр солди тирик дилларга,
Эгилиб синмаган Бўзравотиман.

Тарихда кўзларим очилиб илк бор,
Узликни англадим қалбим шуълавор.
Чингиз, Жўжилардан етса ҳам озор,
Минг ўлиб-ўлмаган Бўзравотиман.

Эзгулик қуёши чиқди бошимга,
Қон-қардош йиғилиб келди қошимга.
Равотлар бўз бўлди кекса ёшимга,
Қайтадан ёшарган Бўзравотиман.

МУБОРАҚЛИК ҚИЗ

Мубораклик эй нозанин қиз,
Хаёлимни олиб қочасан.
Пана-пана жойларда юлдуз
Нигоҳлардан олов сочасан.

Айтгил менга, ишларинг борми?
Сирли-сирли тушларинг борми?
Қанотига номалар битиб,
Учирмаган қушларинг борми?

Қўша ёноқ-қуш битган лола,
Ёноқ узра ёқут ҳилола.
Ҳилолага осилиб қолмиш,
Бир тоқ юлдуз—қаршилиқ бола.

МЕН ҚАЙЛАРДА АДАШДИМ

Узоқдан келар садо,
Мен қайларда адашдим?
Қалбдан чиқар бир нидо,
Мен қайларда адашдим?

Чўлларга тушди йўлим,
Боғ этдим ўнгу сўлим.
Яйради кўнгул-дилим,
Мен қайларда адашдим?

Эл-юртдан узоқ кетиб,
Ризқи-рўзим қидириб,
Кимларга нон, туз тутиб,
Мен қайларда адашдим?

Чалкашиб тушмиш йўлим,
Жиловбанд тилим қўлим.
Қийноқда ёнар дилим,
Мен қайларда адашдим?

Ақида деб букилдим,
Пишиб-пишмай тўкилдим.
Тойгоқ йўлда йиқилдим,
Мен қайларда адашдим?

Куним тунга алмашди,
Кўзим нега қамашди.
Пуфлаб ичардим ошни,
Мен қайларда адашдим?

Айбдор фақат фалакми,
Эзгу ният—тилакми,
Енамас юрак, юракми,
Мен қайларда адашдим?

НЕГА?

Яшамасанг ўз давригнинг дард, ғами билан,
Нокасларга тиги-паррон қалами билан.
Юракларга қувват берган, шижоат берган,
Онаизор оқ сутининг карами билан.
Бўлолмаса шеъринг элга манзуру маъқул,
Шоирликни даъво қилма, асло, Тўрақул.

ГОФИЛНИНГ БАШОРАТИ

Киноя

Қўлимдаги рангпар
Дафтарга боқиб,
Бу ҳолсиз чизгилар
Шеър бўлмас, дея, —
Кулдинг, заҳар билан
Бағримни ёқиб,
Мен эса туиларни
Тонгларга улаб,
Қалбим даъватига
Қилдим риоя.
Башоратинг
Ростга ўхшар.
Эй гофил,
Дарҳақиқат, ундан
Шеър эмас —
«Фил» келиб чиқди,
Менинг дардларимни
Елкага олиб.

ИЗТИРОБ

Кўринмас бўйларим миңоралардан,
Изламанг кўланкам харобалардан.
Тубсиз бўшлиқларда айланмас тилим,
Маъно англамасман иборалардан.
Вулқон ҳам миңг йиллик оромин бузиб,
Кўкларга етгудай айламыш шитоб.
Кўксимдан ҳайқириб учар овозим,
Демакки, бағримда ёнар изтироб.

РУҲИМ

Пешонанг қатида борки не қисмат,
Оққа кўчиргувчи тақдири азал.
Ким шоҳу ким гадо—бир кун оқибат,
Бир сиқим тупроққа бўлар мубаддал.

Дарён азимдан кўп сувлар оқди,
Сувки тиниқ, лойқа, баъзан бўтана.
Кимларнинг кўзидан дарё ёш оқди,
Кимларга бу дунё тўю тантана.

Сарҳадларга кўчмиш қанча беором,
Юракларни ўртаб, қийнаган кезлар.
Чилпарчин бўлмишдир менинг муддаом.
Сокинликдан доим мурувват излаб.

Не зотлар кетмишлар боқий дунёга
Бефойда кейинги жазава, сурон.
Қелса эди улар қайта бунедга,
Ҳаётда бўлмасди бунчалик гумон.

Чўкмагай ул қаддим талофат ичра,
Руҳ тана қатидан туриб бўзлагай.
Бахт келмас ғойибдан, кўникмам сира,
Жанггоҳлардан руҳим қадри излагай.

АВЛОДИНГДАН ҚЎЛ УЗМА

Минсанг тожу тахтларга,
Авлодингдан қўл узма.
Етсанг чексиз бахтларга,
Авлодингдан қўл узма.

Узоқдан кўринар ой,
Сочар ёғду ва чирой,
Бўлсанг ҳам ҳайқириқ сой,
Авлодингдан қўл узма.

Йўлда юрсанг сар-басар,
Утар кунинг хавф-хатар.
Кенг дунё кўринса тор,
Авлодингдан қўл узма.

Бошингга қуласа тоғ,
Сўнса ҳам ёнган чироқ,
Тақдир берса не сўроқ,
Авлодингдан қўл узма.

Турган еринг онадир,
Ҳаммамиз бир танадир.
Ким онадан тонадир,
Авлодингдан қўл узма.

ШУХ ҚИЗЛАРГА ЖАВОБИМ

*Муборак газни қайта ишлаш
заводи қизларига.*

Шарт қўйибсан: — Мени севсанг,
Қизларимни мақтагил,
Ипак-ипак кокилларга,
Тақиб қўйгил пахтагул.

Ростин айтсам қайга борсам,
Қирқ канизак дилимда,
Уттиз тўққиз канизакнинг
Кокиллари қўлимда.

Қирқ кокилнинг фироқида
Ена-ёна кул бўлдим.
Оёғига бошим қўйиб
Бир умрга кул бўлдим.

Сирларимни қалбим ичра
Бекитай десам такрор.
Қўз ёшларим жала бўлиб
Қилиб қўйишар ошкор.

Нина, Сильва ва Руфина,
Ольга ҳамда Галина,
Сабоҳатнинг эгачиси
Мовий кўзли Елена.

Ферузами ёки Юлдуз,
Зоя, Таня, Холида,

Уқилмаган китоб улар,
Сирлари бор дилида.

Рақсга тушса сеҳрли кўз,
Шаншти баланд Шабона.
Овозаси етиб борар
Етти иқлим томона.

Шунинг учун Гул, Раънони
Алмаштирмам Сунбулга,
Сайраб турган қушгинамни
Сайрамаган булбулга.

Карима-ю Мавжудага,
Ҳалима ва Санамга,
Гуллар тутай даста-даста,
Кўшиб шеър қаламга.

Тошойнадан кўринади,
Тушга кирган Дилфуза.
Сарв қоматин кўз-кўз қилар
Латофатли Маруся.

Ҳалқа солиб сочларига
Эркаланар Марина.
Кўринмайди кўзларимга
Никоҳдаги Регина.

Не кўчага кириб чиқдим,
Пана қилиб енгимни.
Ун тўрт кунлик ойга менгзаб,
Тополмадим тенгимни.

Аслида-ку, бир кўнгулни
Чаман қилар битта гул.
Ўз гулини топмагунча
Кезиб юрар зор кўнгул.

Дўстим Н.га.

Сизсиз ўтган дамлар, асло дам эмас,
Арзимас сизнинг бир нигоҳингизга.
Подшолик бахтидан кечарман бесас,
Яраса сиз урган бир оҳингизга.

ДАРЕ

Оқар дарё оқмайин қолмас,
Енгиб ўтар тик қояларни.
Тош-тўғонни назарга илмас,
Тўсиқ нима, гов нима, билмас.

Атроф кўм-кўк, лолалар гулгун,
Етган жойи яшнагай буткул.
Қайга борсанг айлагил обод,
Сен дунёдан дарёдек ўтгил.

ИЛҲОМГА

Ўркач-ўркач тоғлар бошида
Мозийнинг қўрғошин бардоши ётар.
Сирли-сирли ёр қарошида
Сирғана-сирғана оппоқ тонг отар.

Сен бўлмасанг қайда шашту шижоат,
Хаттоки бир қадам қўймоқлик малол.
Бегонадир дилга меҳру оқибат,
Шовуллаб оқмасди жилға, эҳтимол?!

Балки ҳеч нарсага ўтмас кўзларим,
Зим-зиё кечарди балки кунларим.
Ёнмай қолармиди тонг юлдузларим,
Сокин тортмасмиди жаранг унларим?!

Олис уфқларга чўкса ҳам қуёш,
Қалбларда бир илинж қолар яғона.
Қайда эди метин, мустаҳкам бардош,
Қайларда зор чекиб қолар остона.

Қалбимдан куй бўлиб учган хумо қуш,
Сеникидир қанот, сеники парвоз.
Эгасиз бир юртга айланур беҳишт,
Бир қўниб ўтмасанг, бермасанг овоз.

ЙЎЛИМ КЕСГАН УШАЛ ҚИЗ

Ҳар кун бир бор йўлимни бир қиз кесиб ўтади,
Елғизоёқ бу йўлда бегона қиз нетади?
Сўзамол эмас ўзи, индамас кўрганида,
Мен ҳам журъат этолмам кетолмай турганида,
Қўлида гулгун рўмол, кокилин ел тарайди,
Қарасам қарамайди, қарамасам—қарайди,
Утиб борар ширин дам, учрашар нигоҳимиз,
Ора яқин туташса, бир бўлиб паноҳимиз,
Унинг кўнгил боғига йўл тополмай ёнаман,
Йўлим кесган шул қизга ошиқу девонаман.

ХАСТАЛИК

*Завжаи мўминам Расинахонга
бағишлайман.*

Чекиниб бормоқда хасталик секин,
Ҳаракатга гарчи етмайди ҳолим.
Кечагидан анча дурустман бугун,
Чувалашиб қолар баъзан хаёлим.

Аmmo тушларимда қиламан парвоз,
Қўлларимдан улкан қанотлар ясаб.
Сен эса, тутганча узун якандоз,
Дод солиб чопасан соямга қараб.

Деразамда қишнинг кумуш сурати,
Дарахтлар шоҳида қалтирар баҳор.
Кипригинг учида етмай журъати,
Марварид шодалар тизмишлар қатор.

Ҳар хил хаёлларга бормагин, жоним,
Беҳуда ҳисларни айтгил, нетаман?
Қўлингни бер менга, сўнгги имконим,
Балки ўрнимдан ҳам туриб кетаман.

ХАЁЛЛАРИМ

Хаёлларим учқур қушларим,
Парвозини қилар сарҳисоб.
Чўққилардан қайтиб келаркан,
Вужудидан тўкилар шитоб.

Ётоғига ўтар қуёш ҳам,
Зарларида кўринмас ўкинч.
Изларидан эргашар карвон,
Бўйнидаги қўнғироғи тинч.

Елкасида юки-ёви йўқ,
Ўрқачлари беҳафсала, ҳам
Одимлари сокин ва маъюс,
Тушиб борар мўлжалидан кам.

Орқасидан ошиқиб еллар,
Айтиб қолар гўё арзини.
Ўз вақтида ололмай қолган
Судхўр каби, берган қарзини.

Қулоғига кирмас ҳеч бир сас,
Манзилига ошиқар ҳалак.
Аммо, нечун мунча шашт билан,
Кўз ўнгида айланар фалак!

ТУШ

Нечун мени қилурлар ҳалак,
Тунлари кўп безовта тушлар.
Улгурмаган ишлар бир талай,
Навбат кутиб турар юмушлар.

Тиним билмай кезаман кўча,
Қимларнидир топаман излаб.
Айқаш-уйқаш тушгандай бўлса,
Кўрсатурлар йўлни эъозлаб.

Сўзлашмайди, безабон ҳамма,
Ўз ишини қилишар доно.
Қувонч, шодлик, қайғу, ғам нима,
Билишмайди, билмаслар, аммо...

Ўзга юртдан келгандек гўё,
Ўз уйимни қўмсаб қоламан.
Машаққатли, чалкаш бўлса ҳам,
Манзилимга етиб оламан.

ЖОНОН ҚИЗЛАР

Ҳазил

Жонон қизлар сизга бир сўз
Айтгум келур.
Сизни кўриб ёшлигимга
Қайтгум келур.
Чақ-чақ уриб, изларимдан
Сўз отасиз.
Ортингиздан қува-қува
Етгум келур.

Сизларга ким мени кекса
Деган ўзи.
Тескарига ўгирилсин
Гапи-сўзи.
Минг шукурки, насибамни
Қам кўрмади,
Қўнглимда ой, атрофимда
Тонг юлдузи.

Гар қўлимни чўзсам шундай
Бориб етар,
Юракларнинг қўрғошини
Эриб кетар,
Ишва билан ҳатто тошга
Жон соласиз,
Бир насиҳат қилсам сизга
Айтинг, нетар?!

Қимларни деб ташвишларга
Ботиб ётманг,
Қанду асал қолиб оғу
Ютиб ётманг,
Рубобингиз жаранглаган
Авж паллада,
Пардаларин кавагида
Қолиб кетманг.

Келинг қизлар, сизга бир сўз
Айтгум келар,
Дарё бўлиб ўзанимга
Қайтгум келур,
Қочиб қаён, қайси боққа
Қирсангиз ҳам,
Тоғиб олиб гулдасталар
Тутгум келур.

ИГИТ ҚАЛБИ

Иигит ўсди, кучга тўлди,
Тоғдай мағрур кўкраги.
Осмонлардан юксакларда
Учиб юрар тилаги.

Баланд тоғдан ҳув нарида
Йўл кўринар йироқдан.
Товуш берса гумбурлаган
Садо келур ҳар ёқдан.

Гўё тоғда ял-ял лола
Унинг мадҳин куйлайди.
Саррин еллар истиқболни
Ҳикоясин сўйлайди.

Енгил кўчар тоғу тошдан,
Ирмоқлардан тез ошар,
Иқболни порлоқ кўриб
Манзилига кўп шошар.

Ғайрат тошар юрагида,
Билакда куч жўш урар.
Илож бўлса тоғу тошни
Бир қўлида кўтарар.

Айтинг-чи, — дер билакдаги
Куч нимага етмайди?
Наҳотки забт қилсам тоғлар
Талқон бўлиб кетмайди?

Қалби шунда берар садо:
— Угирилгин ортингга,

Таъзим айла, она тупроқ,
Эл-авлодинг, юртингга!...

Вужудида ҳарорат ҳам,
Кўзда нури, дил қўри.
Ушандандир гузал борлиқ,
Йигитликнинг шуури.

Эгилди-да, таъзим қилди
Эл-юрти, иқболига.
Тўймай ўсган ўгил каби
Онанинг висолига.

Шундан йўли яна равон
Шаҳдам борар илгари.
Ватанининг чин фидойи
Уғлонлари сингари.

ТУРТЛИК

Дунёда неки бор бенасиб бўлмас,
Биров яратади, мутлақо толмас.
Бировнинг қўлига симу зар берсанг,
Ҳатто ўз соясин тебрата олмас.

ТҮЙ ҚУШИҒИ

Яхши замонлар келди, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Дилга иймонлар келди, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Аразингни қўй, бола, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Қуда томонлар келди, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Болани боқ бошидан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Бешикдаги ёшидан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Ешлигида боқмасанг, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Бош ёриллар тошидан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Қиз туғилган хонадон, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Минг бир юрак ёнади, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Фарзанд деган мевадан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Қайси юрак тонади, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Тўнни тўрга осингиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Мос кўринур ёшингиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Йўлда хатар кўринар, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Тошдан бўлсин бошингиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Дукур-дукур от келар, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Ҳушёр бўлинг, ёт келар, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Эланса ҳам қараманг, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Юзи курсин бод келар, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Келин келар сой бўлиб, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Ун тўрт кунлик ой бўлиб, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Қаранг кутиб қолмасин, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Қўшки-саройи билан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Келин келар эшикдан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Ризқи келар тешикдан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Куёв бола, ғам еманг, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Худо берсин бешикдан, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Келин ойм, оймисиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Эгилибсиз, ёймисиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Куёв, мунча шошасиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Тошиб турган соймисиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

Тўй бўлсин, ҳе, тўй бўлсин, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Гина-араз кул бўлсин, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.
Ҳар бир ўтган кунингиз, ўйнанг, ҳо, ўйнанг,
Фақат қўшиқ-куй бўлсин, ўйнанг, ҳо, ўйнанг.

СОЯ

Йўлим ҳақ деб бормоқдаман,
Сира ортга қарамай.
Е алҳазар — соя борар,
Изларимдан айрилмай.
У қолмади,
Мен толмадим,
Сўнгги йўлда тайрилмай.

ТЕГИРМОН

Ҳаёт деб бир ўзи
Кезар тегирмон.
Ризқини ютолмай,
Эзар тегирмон.

НИМА ГАП?

Ака десам унга эриш,
Ука десам менга чап.
Атамалар ўзгардим,
Айтинг, ука, нима гап?

Уртоқ десам уламога,
Ҳайрон бўлиб қарайди.
Сархушланган ошиқ каби
Мўйловини бурайди.

Ҳатто олий табақалар,
Не дейишни билмайди.
Жаноб деса касабасин
Унга кўнгли тўлмайди.

Қурултой деб мажлисларда,
Айтса, кўниб кетолмас,
Гўё тили чўрт сингану
Тилин қовуштиролмас.

Ака десам унга эриш,
Ука десам менга чап.
Атамалар ўзгардим,
Айтинг, ука, нима гап?

БОРДИР ТОШУ ТАРОЗИ

Мингдан-минг рози бўлай
Айтмай қўйсанг тўйингга.
Гадо кириб келса гар,
Ҳайдамагни, уйингга.

Сенга бермиш толе-бахт,
Унга тўрва ва таёқ.
Ризқу рўзини сочмиш
Хонадонларга бироқ.

Насибасини терар
Эшикма-эшик сарсон.
Тўрваси тўлди — тамом,
Ортга қайтар шу замон.

Авлодинг биласанми
Ким қариндош, ким йўлдош?
Маъракангга беминнат
Хизмат қилар кекса, ёш.

Харна атасанг элга,
Бўлар худо йўлига.
Нега мунча термулдинг
Келган одам қўлига?

Бўлса агар муддао
Совға-салом, мол-дунё.
Садақанг бўлмас қабул,
Даргоҳида мутлақо.

Бўлдингми ҳеч ҳаётда
Биров дардига дармон?!
Қўлладингми кимнидир
Ҳоли бўлганда ёмон.

Комилликка етмоқни
Бандаси қилар орзу.
Неки бор бу дунёда,
Бордир тошу тарозу.

Йўл-йўриғи ягона,
Барчага бир хил такбир

Ҳар кимнинг феълига хос,
Битиб қўярмиш тақдир.

Ким сочса ерга буғдой,
Ризқи-рўзи буғдой нон.
Кимда йўқ сабру тоқат,
Шўр пешона, бағри қон.

РАШК

Тонгда чиқдим йўларингга,
Тонг ҳусни бор юзингда.
Ўзим десам шайдо бўлган,
Тонг шамоли изингда.

БУ ОЛАМ

Бу замин кўп турар,
Турмайин қолмас.
Бу замон хўп юрар,
Юрмайин қолмас.

Қанча кўп, қанча хўп,
Юргани билаи.
Уволу савобни
Кўрмайин қолмас.

ДУСТИМГА

Аввалдан бор шундай одат, қайтса дўстинг йироқдан
Ёки келса азиз меҳмон, саҳро ошиб, қир ошиб.
Арслон мисол қучоқлашиб, сўз-сўзлашиб сафардан,
Дил хонаси торлик қилар, севинчинг кетар тошиб.

Соғинчимни сиғдиролмай қучаман, сени, дўстим,
Қучоғимда даст кўтариб, учаман, сени, дўстим.
Қалбинг мунча ҳароратли, дилда нени келтирдинг,
Мунча тотли, мунча ширин тилда нени келтирдинг?

Хуш келибсан, азиз дўстим, дур сочайми йўлингга,
Ўзбекларнинг одатича палов дамлаб сийлайми?
Умар Ҳайём саркосасин тутқазайми қўлингга,
Соғиндингни ё созимни, «Чўл ироқ»ни куйлайми?

Жўшқин Аму мавжими ул ошсам дейди қирғоқдан,
Махтумқули дўмбирасин ёки сўнмас тафтим?
Балиқчи шер йигитларга олма отган қирғоқдан,
Дурра кокил сарви қомат, шўх қизларинг аҳдими?

Нимадир ул вужудингга сайқал берган, нур берган,
Қоматингни Копеттоғдан юксакларга етказган?
Нимадир ул толейингга жило берган, дур берган
Шижоатинг кўз илғамас кенгликларга етказган?

Бахмал қирда қўй яйратган, ер тафтига қўл урган,
Қўйчивон эр йигитларинг шоирми ё бахшим?
Йилқи юрмас Қорақумда дур ундириб, дур берган,
Туркман қизлар оқ кўнглининг жилоланган нақшим?

Фикрларинг мунча тийран, мунча ўтли, мукамал,
Қайдин олдинг бунча сеҳр, бунча меҳр, ҳикматни?
Сенда бутун туркман элин фазилати жамулжам,
Айт-чи, дўстим, қайдин олдинг шунча битмас қудратни?

Қон-қардошлар даврасида ҳурлик сенга раҳнамо,
Эзгу ният хулқ-одатинг машъал бўлиб нур сочдинг.
Ҳар ёш оша қирчиллаган туркманим, жоним менинг,
Ҳар қадамда минг мўъжиза — ўзелингга йўл очдинг.

Хумор қилиб бўйларингдан қучаман, азиз дўстим,
Қучоғимда даст кўтариб учаман, азиз дўстим.
Бисотимни бошинг узра сочаман, азиз дўстим,
Соғинганман, қайта-қайта қучаман, азиз дўстим.

ҚУЁШЖОН

Қ ұ ш и қ

Тонг саҳар уйғонасан,
Ипакдек тўлғонасан.
Осмонни зарга ўраб
Жимгина қўзғоласан.

На қ о р а т

Қуёшжон, қуёшжон,
Нурга тўлсин
Кенг жаҳон.

Эркалансанг — боласан,
Бағринг ҳам кенг—даласан.
Баъзан аччиғинг чиқса
Қизарасан — лоласан.

На қ о р а т

Чиқмай қолсанг мабодо,
Баъзи кун, баъзи ойда.
Соғинамиз—кутамиз,
Келгин, дўст тутинамиз.

На қ о р а т

Қуёшжон, қуёшжон,
Нурга тўлсин
Кенг жаҳон.

УҚИТУВЧИМГА

Не сифатга қиёс қилай, сенинг азиз қалбингни,
Ухшатайми она ерга ёки падар қуёшга?
Она бўлиб ардоқладинг, қуёш бўлиб нур сочдинг,
Аммо ҳамон кўнгли тўлмас шоирнинг бу қиёсга.

Кечир мени, қиёс қилдим мўътабар бўз тупроққа,
Эмасми шул бир кафт тупроқ ҳаётимиз дояси?
Кўҳна, сирли табиатга тоабад умр берган,
Еру замин торлик қилар, улкан унинг ғояси,

Сенинг шаъни-қиёсингга сўз тополмай қарздаман,
Менинг азиз ўқитувчим, бошим қуйи, фарздаман.

Ухшатолмам қуёшга ҳам, у ҳаётдан фироқда,
Тушиб келмас ҳузурингга, яқин борсанг ёндирар.
Сен бошқача, инсонлардан яшолмассан йироқда,
Шунинг учун шонли ҳаёт меҳри-дилинг қондирар.

Дунё эди тим қоронғу, қуёшни сен яратдинг,
Она ер ва ҳаёт меҳрин ёш дилларга уладинг.
Ёруғ бўлди яна олам, инсон насли музаффар,
Башарият толейига, билмам, нелар тиладинг.

Қиёсингга сўз тополмай югураман-сламан,
Менинг азиз ўқитувчим, таъзим қилиб келаман.

Инсон ақли ва идроки ер косасин тўлдирди,
Ошиб юксак қирғоқлардан, кўчди янги оламга.
Ушанда ҳам дилимизга озиқ бердинг бир дунё,
Ойни тутиб кафтимизда келдик сенга саломга.

Менинг азиз ўқитувчим, дунё абад—сен борсан,
Меҳринг нури яловланур авлодларинг тонгида.
Миллион йиллар, миллион қалбдан зиё бўлиб кўчарсан,
Кўзинг—кўзда, онгинг эса ўғлонларинг онгида.

Менинг азиз ўқитувчим, ҳали сендан қарздаман,
Юрак тафти авлодларга етмагунча фарздаман.

МЕН ИСТАЙМАН

Мен истайман ош бўлса-ю,
Иш бўлмаса муқаррар.
Ёз бўлса-ю қиш бўлмаса,
Қунинг ўтса мунаввар.

Бозор кезсанг расталарда
Тўлиб турса ноз-неъмат.
Дўконлардан олаберсанг
Не истасанг, марҳамат!

Фақатгина ишлагил деб
Биров ташвиш солмаса,

Ризқу рўзинг келиб турса,
Биров миннат қилмаса.

Мен истайман, «Учар гилам»
Олиб юрса йўлингда.
«Оловиддин чироги» ҳам,
Доим бўлса қўлингда.

Шимолгами, жанубгами,
Етсанг лаҳза ўтгунча.
Ғам-ташвиш не, ҳеч билмасанг
Умринг туғаб кетгунча.

Мажлисларда фақат сени
Мақтасалар минбардан.
Мукофотлар изма-изу
Дон-дун келса омбордан.

Бола-чақа насибаси
Утиб турса эшикдан.
Меҳмон келса бош устига
Ризқи келса тешикдан.

Ҳамма сенга сифинса-ю
Келиб турса назр-ниёз.
Ҳатто мушук чиқмагай-ку
Офтоб сари беасос.

Нафси бало деманг мени,
Шукур этгум борига.
Қафт қичиғи қолмагунча
Жилмагайман нарига.

Фақатгина келиб турса,
Чиқмаса бир танга ҳам
Тишладимми, узиб олгум
Жағим қоқиб олса ҳам.

УМР

Зарра умрига ҳам чегара, чек бор,
Бемаврид макону ондин кўчолмас.
Паймонаси тўлиб етмаса агар,
Лола гулбарглари тандин кечолмас.

ОНА РУҲИ

Боболардан бизга етмиш шундайин мерос,
Чақалоқнинг қай рўзгордан келса йиғиси,
Ул масканга қўяр эмиш фаришта ихлос,
Хонадону юрак-бағир нурга тўлғуси.

Отасини бағрингизга босинг ботма-бот,
Онаизор тепасига гулчамбар қўйинг,
Майли, қирқ кун чилласида навбатма-навбат,
Ният билан остонасин супуриб қўйинг.

Бул қандай сир? Чақалоқнинг йўқмиш отаси,
Босолмайин сийнасига она тўкар ёш.
Яқин келса норасида гўдакнинг иси,
Босар эмиш елкасидан зилу замбил тош.

Солар эмиш еру кўкни гўдак ларзага,
Онасининг сийнасини сўраб безабон.
Ҳайҳот, ота сурма тортмиш гулдай лафзига,
Она бағрин тилар эмиш сирлар беомон.

Остин-устун кўринади олам кўзига,
Бу дунёда яшамоқлик энди маъносиз.
Қайтмас ёшлик, ғурур, иффат энди изига,
Сўнмадимми; порламайин юлдузи, эсиз.

— Келмагайлар менга энди мутлоқ юзма-юз,
Одамларда бўлган имон, туйғу ва ҳуқуқ,
Энг мўътабар ҳиссиётлар йўқолиб беиз,
Узлат ичра яшамакнинг маъноси ҳам йўқ..

Она қалби оқар дарё, фарқи-беҳудуд,
Қирғоқларга тўш ургувчи дарёи Жайхун,
Чўқигандай Прометей бағрини бургут,
Жароҳатли юрагидан сим-сим оқар хун...

Деразанинг тирқишидан аста ғойиб куч,
Олиб учмиш онаизор сархуш руҳини,
Ғубор бўлиб ёғар эмиш ҳар гал фалакдан,
Эшитганда ер юзида бола оҳини.

ДАРАК БЕРГИЛ, ЖОН БОЛАМ

Бурчим дея сен хизматга кетгандинг,
Аффон элни ўз элим деб айтгандинг.
Балки, ўғлим, муродингга етгандинг,
Омонмисан, дарак бергил, жон болам?!

Она юрти қолди дея йироқда,
Бегоналар туширдими тузоққа.
Биз ёнамиз қовурилиб фироқда,
Омонмисан, дарак бергил, жон болам?!

Ҳамма қайтди, бир сенгина қайтмадинг,
Юракдаги дард-аламинг айтмадинг,
Кўпми эди ушалмаган тилагинг,
Омонмисан, дарак бергил, жон болам?

Эрта тонгда боғингга сув тарайман,
Келарми; деб йўлларингга қарайман.
Учиб ўтган турналардан сўрайман,
Омонмисан, дарак бергил, жон болам?!

Омон бўлсанг, дўстларингга салом айт;
Шаҳидларнинг қил мазорин зиёрат,
Соғинганмиз, элу юртга тезроқ қайт,
Омонмисан, дарак бергил, жон болам.

Қўшни қизлар изларингга тикилди,
Кута-кута онанг бағри тўкилди.
Бардош етмай, отанг шўрлик йиқилди,
Омонмисан, дарак бергил, жон болам?!

ШЕЪР ВА МЕН

Шоир ҳам эмасман, эмасман машшоқ,
Ҳар тонгим бошланур ғазал-куй билан.
Сатрлар қувончим: шодлигим қўзғаб,
Танамга сингади меҳр, ўй билан.

Шеър ўқийман беҳад қувонганимда,
Энг юксак парвозга ростласам қанот.
Шеър билан ўлчайман умр онларин,
Шеър билан мангудир гўё коинот.

Шеър билан қуваман дайди ҳисларни,
Шеър ўқийман танамни босганда чарчоқ.
Дилимга қуввату руҳимга озиқ,
У билан гўёки умрим тотлироқ.

Қайданам шунчалик жозиба, чирой,
Қалбимни бир умр мафтун қилгансан.
Сир шуки, мухтасар ҳаётимизнинг,
Сеҳрли садоси бўб туғилгансан.

ЕСЕНИННИ ЭСЛАБ

Йўл чизиб самодан эврилса юлдуз,
Бир банда чироғи сўнди-ку, дерлар.
Эҳтимол бул ҳикмат эмасдир бежиз,
Кимлар мозийдан ҳам нур сочиб турар.

Ҳазрат Навоийнинг гўзал мулкидан,
Улуғ ўлкаларда уйғонмиш ҳилол.
Есенин созида олган аланга,
Жаннат ўлкасининг тафти, эҳтимол.

Шоирнинг қалбига солган таҳлика,
Шерозий малакнинг лабидаги хол,
Рязан юртида оқ қайинбика.
Елларга кўксини тутиб турар лол.

— Бўзладими ёри Занжирсаройда,
Юлғинлар қолдими нигоҳ қадашиб?!
Нажот қанотида талпиниб ойга,
Сомон йўлларида, қолмиш адашиб...

Довдираб юрмасин сайёҳлар дея,
Беш машғал зулматни ёритар ҳамон.
Аттор растасидан олган сармоя,
Мағрибдан Машриққа етар бегумон.

ЧИРОҚ

Бутун тани мойга беланиб,
Ёғду сочар митти бир чироқ,
Баъзан беҳол, баъзан силкиниб,
Балки ўртар вужудин фиरोқ.

Хира тортиб борар у мағрур,
Тунга бериб ёғду ва нурин.
Маъшуқага етдими, ногоҳ
Мангу олиб кетдими сирин?

СЕНИ БЕРМАМ, БОЛАМ, БЕГОНА ЗОТГА

Элу юрт, Ватаннинг
Суянган тоғи,
Ота-онасининг
Ёнган чироғи,
Ғанимлар солдими
Ошинга оғу?
Сени бермам, болам,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Йўлингдан чалғитмоқ
Бўлиб малъунлар,
Қалбингга қўл солмиш,
Қора қузғунлар,
Шарбат деб оғзингга
Тутмишлар заҳар,
Сени бермам, болам,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Сен менинг ўғлимсан,
Ошнанг ҳам болам,
Ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар,
Қўшнинг ҳам — болам.

Кимларга ёқмаса,
Қилса ҳам алам.

Сени бермам, болам,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Бағрим тўлар сени
Қучганим сари,
Ўзгача мавжланур
Қўнгил жавҳари.

Сени бермам, болам,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Юзингда юзимнинг
Шуъласи ўйнар,
Кўзингда кўзимнинг
Нурлари қайнар,
Қонингда қонимнинг
Шиддати бўйлар,
Сени бермам, болам,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Мингта бўлса бола
Қилиғи бошқа.
Топгайман бошимни
Уриб минг тошга,
Сабринг етмадими
Чидам-бардошга?
Сени бермам, болам,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Кўзимнинг нури деб
Онанг бағри қон,
Боши берк кўчада
Отанг шўр сарсон.
Қалбингда эҳтимол
Ёнар пушаймон.
Сени бермам, болам,
Бегона зотга,

Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

Маҳфират тилайман
Гуноҳларингга,
Қовжирар майсалар,
Оҳ-воҳларингга,
Қайт, болам, соғинган
Қишлоқларингга.
Сени бермам асло,
Бегона зотга,
Бир лаҳза бўлса ҳам
Ўзга зуррэдга.

ТОЛ ТАГИДА

Илк баҳорнинг хуш ҳавоси қилади маст,
Юракларга солиб қўйиб хуш бир ҳавас.
Тол тагида кимдир имлар мени бесас,
Аллоҳ берса шак келтирмак бўлар ирим,
Дея борсам, не ажабки, ўз кампирим.

Бу дунёда озми дейсиз нав-ниҳоллар,
Кокилларин ёйиб турган тўлин ойлар,
Унут бўлган дардларимни қўзғар еллар,
Чакалакдан аста боқсам бермай сирим,
Тол тагида кутаётган ўз кампирим.

Сим-сим ёмғир табиатни уйғотади,
Дов-дарахтга ўз дардини сўйлатади,
Ёшу қари, ҳаммани тенг ўйлатади;
Кокилидан тутай десам, эвоҳ, шўрим,
Ғунча мисол ёниб турар ўз кампирим.

Қулоқ бериб ирмоқларнинг шўҳ розига,
Сармаст бўлиб эрка баҳор ҳавосига,
Қолиб кетдим ҳиссиётнинг балосига,
Адоғи йўқ, кўринмайди борар ерим;
Тол тагида турган ўшал ўз кампирим.

На чораким кўнгул борки, хумори бор,
Ҳар юракнинг боқий берган тумори бор.
Ҳумо қуши келдими, деб учиб такрор,
Қудратингга минг тасанно ўқиб, пирим,
Чиқсам ҳамон кутиб турар ўз кампирим.

КАМПИРГИНАМ

Уйлаб кўрсам кампиргинам,
Она ерга тенг бўлдинг,
Она ердан одил ва ҳақ,
Юрак-бағри кенг бўлдинг.

Қуёш десам қуёшдан ҳам
Бир оз олдин турарсан.
Бола-чақа, неваралар
Ташвишида юрарсан.

Сен бўлмасанг табиатни —
Бешикни ким тебратар,
Тонг саҳарда мудроқ босган
Хўрозни ким уйғотар?

Сенинг билан бутун олам
Яна гўзал, мунаввар,
Ҳар хонадон, ҳар бир маскан
Нурга тўлиб яшарар.

Маликалар маликаси
Бўлиб келдинг дунёга,
Тўлиб борар кўҳна олам
Қайта бошдан зиёга.

Қадам қўйдинг жаннат бўлди —
Босиб ўтган изларинг,
Ҳар кўнгилга гўё баҳор
Олиб кирди сўзларинг.

Бу оламда мангу тургил,
Мангу бўлсин бу олам.
Меҳри-дилинг илтимаган
Уй қолмасин битта ҳам.

СИР

Онамга гул берсам
Берди келинга,
Келинга гул берсам
Берди синглимга,

Синглимга гул берсам
Берди қизимга,
Қизимга гул берсам
Берди ўзимга.
Мен гулни қайтадан
Бердим дадамга,
Дадам ҳам бердилар
Оппоқ дадамга,
Оппоқ дадам бердилар
Катта онамга,
Гул ҳиди таралди
Қулба — хонамга.
Бу сирни ўйладим
Кейин танамга.

БИР ДАСТА ЧҮҒ

Бир даста чўғ бўлиб
Утмоқда қизлар.
Кўча-кўйни
Нурга тўлдириб.
Йигитчалар сўздан
Уқ ясаб
Отмоқдалар
Уларга қараб.
Мўлжалга тегмади
Уқлари.
Мен ҳам қолдим
Лабимни ялаб.
Эҳ, чоллар,
Букчайган.
Бадгумон чоллар,
Гуноҳларга ботманг,
Қариб қуйилмади, деб,
Қаранг, қаранг.
Гунча ёзмай,
Дўлда қолган
Ёшлигимиз,
Утмоқда,
Шу қизларга
Гулчамбар тутиб.

КАМПИРИМНИ УЙЛАСАМ

Қора денгиз бўйларига
ошиқиб етгум келур,
Қора кўз—гулгун ниқобларга
боқиб етгум келур.
Маҳлиё бўлдим не ҳолдир,
бир нима айтгум келур.
Кампирим эсимга тушса,
индамай қайтгум келур.
Оҳу кўзлар жон балоси,
киприги қалқон эди,
На юраклар тиғи-бийрон
тўлғониб ётқон эди,
Юзда сокин, ичкарида
не тилак кўпқон эди.
Кампирим эсимга тушса
шул замон қайтгум келур.
Уқми ёйдек товланодур
ўтли ёғдулар сочиб,
Мурувват топсанг агарким,
сўйлагай сим-сим очиб,
Бир оташ сиймога илҳақ,
телбадир кўнглум қочиб
Кампирим эсимга тушса
шул замон қайтгум келур.
Турфа гуллар товланодур,
денгизу қуёшгами.
Айри рангда мавжланодур,
ўйнашиб бардошгами.
Эй садағанг мен кетайин,
шашти-хумор ёшгами,
Дейману кампирни ўйлаб,
шул замон қайтгум келур.

ГУЛ САВДОСИ

Ўйнаб-ўйнаб дилга қўнган
Гул баҳор ҳавосими?
Ёки дилни ўйнатиб, ёр
Иўллаган навосими?

Турфа гуллар авж олибдур,
Гул фаслни ром этиб.
Ё ажаб, бул кенг жаҳонга
Битта гул савдосими?

ЧУПОН НАВОСИ

Кел жонивор қурей-қурей,
Бахмал қирда юрей-юрей.
Қора лочин; бағри кенг ер,
Яйраб-яйраб юрей-юрей.

ЧУМЧУҚ НЕГА ЧИРИЛЛАР?

Чумчуқ нега чириллар,
Қанотлари пириллар.
Қўниб кўча бошига,
Ариқларнинг рошига,
Тинимсиз ҳаккалайди.
Тумшугин тиккалайди:
— Мен ҳам катта бўлдим деб,
Куч-қувватга тўлдим, деб...
Юксакларни кўзлайди,
Олисларга бўзлайди.
У оқ ўркак булутлар
Сари учмоқчи бўлар.
Уч кеча ҳам уч кундуз,
Тайёрлик кўриб махсус,
Парвоз қилди осмонга,
Сайёралар томонга.

Учиб борар баландлаб,
Чор атрофга аланглаб.
Ердан кетарди йироқ,
Куч кетарди бесўроқ.

Ў қанча чиранмасин,
Неларга тиранмасин,
Самолардан нарига,
Тонг юлдузлар сарига
Барибир етолмади.
Узоққа кетолмади.
Орқага қайтди беҳол,
Парвоз ҳам келиб малол,
Келиб қўнди теракка.

Ташвиш сизмас юракка.
Қараса қўйида кўп
Одамлар юрар тўп-тўп,
Биров экин экади,
Биров кийим тикади.
Кимдир мошин юргизар,
Кимдир қўриқ тургизар.
Уларнинг меҳнатидан,
Дилдаги ҳимматидан,
Еру осмон мунаввар,
Оламга таралар зар.
Шундан бери чумчуқча.
Куч-қуввати битгунча
Одамга таҳсин ўқир,
Ашула, куйлар тўқир,
Бетўхтов чириллайди,
Қаноти пириллайди.

КИЧКИНТОЙ

Қўшиқ

Кичкинтойим, кичкинтой,
Юрасан тотой-тотой.
Утирасан, турасан,
Сўрғични ҳам сўрасан.

Нақорат

Кичкинтойим, кичкинтой,
Кичкинтой, кичкинтой.
Уйинчоғинг бир қучоқ,
Бор самолёт, бор тойчоқ,

Белу кетмон ҳам курак,
Ҳаммаси сенга керак.

Нақорат

Куласан қиқир-қиқир,
Тилинг ширии ҳам ўткир.
«Ғу-ғу» китоб ўқийсан,
Гўё қўшиқ тўқийсан.

Нақорат

Ватан—онанг меҳрибон,
Усабер эсон-омон.
Қанот қоқиб учабер,
Кенг оламни қучабер.

Нақорат

Кичкинтойим, кичкинтой,
Кичкинтой, кичкинтой.

ПРОТЕЗ

Рақсга тушар Эшонқул бобо,
Ҳар гал келса 9-Май.
Бир оёқда протези ҳам,
Эргашади ҳалақит бермай.

Хаёллари олиб қочарлар,
Балки узоқ Волга бўйига,
Ватан дея жонини тиккан,
Дўстлар келар бир-бир ўйига.

Йўлларига зор-зор тикилиб,
Утиб кетган ёрининг ёди,
Ёки танка остида қолиб
Ениб кетган шаҳар фарёди...

Чўлғанади куйга беланиб,
Аммо нечун кўзларида ёш?
Балки қувонч ва ҳаяжонга
Беролмади юраги бардош?...

Куй ҳаммани чорлар даврага,
Чилдирма ҳам бериб турар рез.
Рақсага тушар Эшонқул бобо,
Эргашади унга протез.

НОШУКУР БАНДАЛАР ҲАҚИДА ЭРТАК

Пушкинга ўхшатма

Мастон буви ўйлай-ўйлай учин тополмас,
Ўйловидан сўйловига кўчим тополмас.
Радио ҳам гапиради ошкораликдан,
Телевизор кўпиради ошкораликдан.

Фақат унинг чоли нечун ошкор сўйламас,
Биров нари турсин ҳатто ўзин ўйламас,
Ётиғини олиб чолдан сўраб қолди у,
Ҳамма билган ошкорликка бериб зўр ургу.

Чолига дер: — Ошкорликда ҳикмат кўп эмиш
Ошкорликка амал қилсанг кетармиш ташвиш...
Шундай дея чолига у ташланиб қолди,
Икки тутам соқолидан қайириб олди:

— Ҳукуматнинг хизматини қилдингми сен оз,
Нега энди шунга лойиқ кўрмайсан эъзоз?
Нафақангни ўттиз кунга чўзиб бўлмайди,
Бундан бўлак рўшноликка кўнгул тўлмайди.

— Югур дейди ниҳояти, қилгил сен талаб,
Бош бошлиқнинг эшигида тургил эрталаб.
Берсин сенга ўз улушинг камин тўлдириб,
Кўп ичинда қолдирмасин ортиқ кулдириб...

Чол бошлиққа дард-аламин тўкиб солади,
Замона-ю пешонадан нолиб қолади: —
Ит ётишу мирза туриш ҳолимиз, дейди,
Ер супуриб ўтиб кетди ёзимиз, дейди.

Ҳолимизга бир қайрилиб қарай билмайсиз,
Фуқарони ҳатто назар-писанд қилмайсиз.
Кенг майдонга ҳалойиқни йиғиб келайми,
Бошингизга қора кунлар шўрин солайми?!

Бошлиқ ҳайрон, ёқа ушлаб: — Бу қандайин ҳол,
Ғарибликда азоб чекар шу биргина чол?
Котибига: — Чол ҳиссасин оширинг, деди.
Тўловларин юз фоизга туширинг, деди.

Ана кўринг нафақани ортиб келарди,
Орқасидан яна нелар тортиб келарди.
Кампир хурсанд, ишлари хўп юришиб қолди,
Рўзгоридан ортганига макентош олди.

Қариганда йўрғалик, деб ким ҳам айтади,
Бошлиқдан ўз улушин олиб қайтади.
Кампир тузган тадбиридан хурсанд бағоят,
Барча орзу-ниятига етар ниҳоят...

Чолни чорлаб ёнига у ўтказиб олди,
Яна қанча амалларни ўргатиб қолди:
— Нега энди Мирзо Шариф юрар мошинда,
Қани инсоф, мошин бермас саксон ёшингда?

— Югур, дейди, бошлиққа бор, мошина берсин,
Учқўрғонда ё бўлмаса энасин кўрсин...
Ҳассасини дўқиллатиб, кетиб борар чол,
Етиб борар у бошлиққа бир паришонҳол.

— Болам, дейди, қариганда бир хурсанд бўлай,
Мошин бергин, майли, кейин мен ўлсам ўлай!
Кампиримни тутқаноқми, бир қусури бор,
Тутиб қолса етти иқлим топади озор.

Тунов куни зўр фолчига фол ҳам очтирдим,
Садақа-ю гурди балоларни сочтирдим.
Кампиримнинг касалига мошина даво,
Давлатингдан бир мошина айлагин равон.

Кампиргинам ўтқазтириб сайр қилдирай,
Дуо-жонинг қилиб, болам, ором олдирай...
Чол тушмагур машинани ҳайдатиб келди,
Кампирига калитини ижобат қилди.

Кампир хурсанд, гир айланар мошин ташида,
Яна қандай хом хаёллар келар бошига...
У тун бўйи арғамчидай товланиб чиқди,
Яна қанча даргоҳларга бўйланиб чиқди.

Эрта туриб хонтахтани яна муштлади,
Чол олдига қанча гапни тизиб ташлади.
— Югур, бориб бошқасини олиб келасан
Ё бўлмаса бошлиғингни суриб келасан.

Оқ мошина бериб, чолни йўлга солибди,
Қундуздайин қорасини ўзи олибди.
Чолга деди: — Зиппа бориб алмаштириб кел,
Ўз ҳаққингни сўрамоққа борми сенда тил?

Катталарни кўрганингда латта бўласан,
Соқолингдан бураб олсам тайин ўласан!
Алмаштириб бермагунча қила бер безор,
Ё бўлмаса буни ҳам бер, қилсин қўш мозор...

Чол бечора яна лўк-лўк кетиб боради,
Оқ мошинни қорасига алмаштиради.
Ўйлаб келар: — Кампир энди хурсанд бўлар деб,
Бир умрга чолдан мамнун бўлиб қолар деб.

Остонага мошинани ўнглаб қўйди чол,
Нега кампир уйдан чиқмас чол ҳайрону лол.
Ичкарига кирса, кампир яна йиғлайди,
Сочларини юлиб-юлиб бағрин тиглайди.

— Эсиз умрим, лақма билан ўтиб кетди, дер,
Хомкалладан қачон халос қиларкан тақдир?
Қачон сенга худо берар ақл ва идрок,
Юрармизми ташвишлардан бизлар ҳам йироқ?

Ғарибгина шул кулбага мосми мошина,
Сўрамайсан мошинга хос янги кошона?
Чол бечора ҳассасига манглайин тираб,
Ўз уйида турар эди яна қалтираб.

Қулоғига алас келар кампирин саси,
Вужудига тиргак эди гўё ҳассаси.
Хаёлида чақин чақиб, қуярди ёмғир,
Ҳассасига таянганча чол этмас қимир.

Уй ичида кампир тинмай жавраб юрарди,
Чол кўзини мангу юмиб қотиб турарди...

Ғазаллар

ДИЛОРОМ

Дарди пинҳон эрканимни эй сабо, танноза айт,
Изларингга бош урибман, бўлса имкон, ёза айт.

Лола гулгун ранг олибтур ол лаби рафторидин,
Олмамишми бу табнат рангидин андоза, айт.

Мен ғарибни бандию девона этмак шунчалар,
Тўрани қул айламиш, бош алфини топ-тоза айт.

ЭМАСМУ

Боғда хандон юришлар сайри гулзор эмасму,
Дилга ором беришга келган хумор эмасму?

Ёйиб бармоқларингни юзингга парда қилдинг,
Ёниб-ёниб боқишлар сенга озор эмасму?

Эгиб бош лола-гулгун, чекар оху-фиғонлар,
Бир чехраи малолинг йўлида зор эмасму?

Самода якка юлдуз айру ёғду сочарму,
Осмон йўлида бўзлаб, ошиқ бедор эмасму?

Куйиб ҳижрон ўтида, Тўрақул бўлмағайму,
Айтгил, аҳду қароринг энди бекор эмасму?

СЕН УЗИНГ

Ишва бирлан кўнглум олган, нозли жонон сен ўзинг,
Бир боқиб не кўйга солган, нозли жонон сен ўзинг.

Кетди ором, нола чекдим, кўча-кўйда сар-басар
Айлабон, бепарво қолган, нозли жонон сен ўзинг.

Ва не тонгки, битта ошиқ боши узра минг бало,
Еғдириб, ҳеч раҳми келмас, нозли жонон сен ўзинг.

Ошиғингни ҳоли-беҳол, кеча-кундуз йиғлатиб,
Кўз ёшини дарё қилган, нозли жонон сен ўзинг.

Тўрани қул айлабон, қай кўчаларга солмадинг,
Сўнгида бул кўнглини олган, нозли жонон сен ўзинг.

ҚУШИҚ АЙТГИМ КЕЛАДИ

Юрсам, юрган йўлимда, қўшиқ айтгим келади,
Йироқдаги ёримни кўриб қайтгим келади.

Осмонда ой кўринди, сиртида ёй кўринди,
Юракдаги зоримни қўшиб айтгим келади.

Шундай келар ҳар баҳор, ҳар йили такрор-такрор,
Юракдаги дардимни қўшиб айтгим келади.

Кўзимда ёнар фироқ, кипригим қора тароқ,
Орзуимга етдим деб, тошиб, қайтгим келади.

ЯККА МЕН ОВВОРАМИ

Бул фалак дардин ютиб, якка мен овворами?
Ақлу хуш бошдин кетиб, якка мен овворами?

Дўсти-ёр бегона-ю. меҳрибон меҳри дариг,
Узгадин улфат тутиб, якка мен овворами?

Илтифот қилдим кима, бошима келмиш бало,
Бода гулгун нўш этиб, якка мен овворами?

Бунда мен сармаст, у ёнда ёр ила сармаст рақиб,
Файридин инсоф кутиб, якка мен овворами?

Тўранинг аҳволига Сиз ҳам қолиб, зор ўлмангиз,
Ўз гўрига гишт қалаб, якка мен овворами?

МЕХРУ ВАФО КЎРСА ОНА

Ёнмайин қолмас бу дунё, жабру жафо кўрса она,
Элу юрт бўлғай фаровон, меҳру вафо кўрса она.

Бўлмасин ҳаргиз бетоқат, кўзлар тутиб, ёшлар тўкиб,
Ҳар одам топғай камолки, ундан даво кўрса она.

Зурриёдга садқа бўлғай туну кун ул зору зор,
Хору зор бўлғай ҳар инсон, бундин жафо кўрса она.

Арзимас босган пойига умринг нисор этсанг, Тўра,
Бир парча этга жон битар меҳрин раво кўриб она.

ГУЛ БЕРДИМ, КЎНГУЛ БЕРДИМ

Ёрим чиқди йўлимдан, гул бердим, кўнгул бердим,
Салом бериб дилимдан, гул бердим, кўнгул бердим.

Юз нозу ибo билан, ўйнашиб сабо билан,
Бўса олди гулимдан, гул бердим, кўнгул бердим.

Узоқдан қошлар қоқди, кўзимдан ёшлар оқди,
Утди ўнгу сўлимдан, гул бердим, кўнгул бердим.

Юраги тош қорами, ёки мендай ярами,
Даво топғай қўлимдан, гул бердим, кўнгул бердим.

Шаршарадан сув келар, дала қизи қув келар,
Қайтмам ҳатто ўлимдан, гул бердим, кўнгул бердим.

Раҳми келиб ёрига, қўл чўзди дуторига,
Хат йўллаб булбулимдан, гул бердим, кўнгул бердим.

ТО ЎЗИНГ ЁНМАЙ ТУРИБ...

То ўзинг ёнмай туриб, ўзгани ёқмоқ нечун,
Шошқалоқ сойлар билан ўйнашиб, оқмоқ нечун?

Қўнгироқ кокилларинг силкитиб, мастонавор,
Кўз тагидан ёғдулар сачратиб, қочмоқ нечун?

Йўлларингга гул сочиб, лолагун чамбар тутай,
Гулни гул ҳайрон этиб, оху воҳ этмоқ нечун?

Баҳридил топгай даво, айласанг рўйинг раво,
Меҳрингга тўймай туриб, пардалар тутмоқ нечун?

Неки бор-йўғимни ол, то абад ёнимда қол,
Тўрани ишқ ўтига банд этиб кетмоқ нечун?

МҮНДАРИЖА

Суз боши	:	3
Шеърлар		
Уйғонар баҳор	:	4
Қашқадарё	:	5
Шоирнинг излагани	:	6
Ҳар кимнинг ўз йўли	:	6
Бўзравотиман	:	7
Мубораклик қиз	:	7
Мен қайларда адашдим	:	8
Нега?	:	9
Ғофилнинг башорати	:	9
Изтироб	:	9
Руҳим	:	10
Авлонингдан қўл узма	:	10
Шўх қизларга жавобим	:	11
«Сизсиз ўтган дамлар...»	:	13
Дарё	:	13
Илҳомга	:	13
Йўлим кесган ўшал қиз	:	14
Хасталик	:	14
Хаёлларим	:	15
Туш	:	15
Жонон қизлар	:	16
Йигит қалби	:	17
Тўртлик	:	18
Тўй қўшиғи	:	19
Соя	:	20
Тегирмон	:	20
Нима гап?	:	20
Бордир тошу тарози	:	21
Рашк	:	22
Бу олам	:	22
Дўстимга	:	23
Қуёшжон	:	24
Уқитувчимга	:	24
Мен истайман	:	25
Умр	:	26
Она руҳи	:	27
Дарак бергил жон болам	:	28

Шеър ва мен	28
Есенинни эслаб	29
Чироқ	30
Сени бермам, болам, бегона зотга	30
Тол тагида	32
Қампиргинам	33
Сир	33
Бир даста чўр	34
Қампиримни ўйласам	35
Гул савдоси	36
Чўпон навоси	36
Чумчуқ нега чириллар?	36
Кичкинтой	37
Протез	38
Ношукур бандалар ҳақида эртак	39

Ғазаллар

Дилором	42
Эмасму	42
Сен ўзинг	42
Қўшиқ айтгим келади	43
Якка мен овворами	43
Меҳру вафо кўрса она	44
Гул бердим, кўнгул бердим	44
То ўзинг ёнмай туриб	44

Адабий-бадиий нашр

Тўрақул Хўжақулов

ОЛИСДАН КЕЛАР САДО

Шеърлар ва газаллар

Муҳаррир *З. Пулатова*

Мусаввир *Ю. Габзалилов*

Тех. муҳаррир *Л. Пак*


Мусаҳҳиҳ *Ш. Жумабоева*

Босмахонага 2.05.2000 й.да берилди. Босингга 26.05.2000 й.да рухсат этилди; Бичими 84+108 ¹/₃₂. Шартли босма табағи 2,52. Нашр босма табағи 2,1. Адади 3000 нусха. Шартнома № 11—2000. Бургма № 85. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Езурчи» нашриёти, 700129, Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

100c



YOZUVCHI